



О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT SOLIQ QO'MITASI
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
STATE TAXATION COMMITTEE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100011, Toshkent shahri, Abdulla Qodiriy ko'chasi, 13 A uy Tel.:244-97-16, Faks:244-89-12, www.soliq.uz

Хабарнома тақдим
этилган сана:
2020 йил 20 ноябрь

ХАБАРНОМА

Хурматли солиқ тўловчи!

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги **489-сон** қарори билан тасдиқланган “Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида Низом”нинг:

4-бандига асосан ҳисобварақ-фактура **товарлар жўнатилган (топширилган) ёки хизматлар кўрсатилган календарь санада расмийлаштирилиб тақдим этилади;**

6-7-бандларида белгиланган ҳолларда, ҳисобварақ-фактура товарлар (хизматлар) реализация қилинган ойдан **кейинги ойнинг ўнинчи кунига қадар**, товарлар (хизматлар) реализация қилинган ойнинг охири кундаги сана билан тақдим этилади;

10-бандига мувофиқ товарларни (хизматларни) сотиб олувчи **фақат электрон шаклда қабул қилинган ҳисобварақ-фактураларда акс эттирилган ҚҚС суммасини ҳисобга олишга ҳақли;**

59-бандига биноан умумлаштирилган ҳолдаги бир томонлама ЭҲФ товарлар (хизматлар) реализация қилинган календарь ойдан **кейинги ойнинг бешинчи кунига қадар**, товарлар (хизматлар) реализация қилинган календарь ойнинг охири кундаги сана билан шакллантирилади;

63-бандига асосан етказиб берувчи томонидан тақдим этилган **ЭҲФ ўн календарь кун ичида** сотиб олувчи томонидан ЭРИ билан **тасдиқланиши** ёки сабаби кўрсатилган ҳолда **рад этилиши шарт**. Сотиб олувчи томонидан белгиланган муддатда тасдиқланмаган ёки рад этилмаган электрон ҳисобварақ-фактура тасдиқланган ҳисобланади.

Ҳисобварақ-фактураларни тақдим этиш ва қабул қилиш бўйича қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларга амал қилиш муҳимлигини эслатиб ўтган ҳолда, жорий йилнинг **декабрь ойидан бошлаб**, товарлар (хизматлар) реализация қилинган календарь ойдан кейинги ойнинг 10 санасидан кейин расмийлаштириладиган ЭҲФлар дастур томонидан қабул қилинмаслигини маълум қиламиз.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида ушбу қоидаларга риоя қилишингиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Солиқ хизмати — инсофли солиқ тўловчининг ишончли ҳамкори!

Раиснинг биринчи ўринбосари


М. Мирзаев